



## АБАЙ

(1845 — 1904)

Абай (Иброҳим) Қунонбоев янги қозоқ адабиёти ва адабий тилининг асосчиси. У Семипалатинск (ҳозирги Семей вилоятининг Абай тумани)даги Қашқабулоқ овулида туғилган. Аввал шу ердаги “Эскитом” мактабида, ўн ёшга тўлгач, Семейдаги Аҳмад Ризо мадрасасида таҳсил олади.

Ўн ёшларидан шеър ёза бошлаган. У ўз ижоди билан қозоқ шеърлятида янги даврни бошлаб берди. Улуғ шоир, файласуф, маърифатпарвар, бастакор сифатида улкан маънавий-эстетик мерос қолдирди. Унинг насрда битилган “Қора сўзлар” номли фалсафий асари қозоқ халқининг педагогик-дидактик тафаккури тараққиётида катта ўрин тутди. Шеърларида халқ руҳи, миллий қиёфаси, бадиий тафаккур олами ўзининг тўла тажассумини топди.

Абайнинг гўзал ва дардчил лирикаси фақат XIX аср қозоқ адабиётининггина эмас, умумтуркий шеърят хазинасининг ҳам бой, латиф бадиий ижод намуналаридан ҳисобланади.



## КУЗ

Сур булутлар қоплаб олар кўкни бутун,  
Қуюқ туман босиб келар бамисли тун.  
Тўқлигидан ё совуққа йўқлигидан —  
Уйир тўзар, ҳар томонга чопар қулун.

Майсаю гул-кўкатлар йўқ бурунгидай,  
Ёш-яланг ҳам сурон солмас, ҳар ишга шай.  
Кексайган чол-кампирайин қовжирамиш  
Барглари тўкиб бўлган янтоқ, қуврай.

Вақти келиб қор кўтарар бунда қуюн,  
Лекин ҳозир куз чалмоқда мунгли куйин.  
Болаларин бувисига жун йигиртиб,  
Ёш хотинлар ямаб-ясқар ўтов-уйин.

Фоз, турналар учар кўкда жануб сари,  
Кун бир тутам, завқу сурур кўздан нари.  
Овуллар ҳам файзи кетиб, мунғаймишдир  
Эшитилмас элнинг ўйин-кулгулари.

Ел захридан изиллайди танлар жовраб<sup>1</sup>,  
Қора совуқ яланг қирда кезар довлаб.  
Кўмик суяк, сарқит таом тегмагандан  
Уйда ит ҳам йўқдир, кетган сичқон овлаб.

Қоронғи куз гирдобиди адир-тоғим,  
Дил тундлашар қиш забтини туйган чоғим.  
Ахир, олов ёнмас уйда — сурур қайдан,  
Кўрган кунинг қуриб кетсин, ай қозоғим!

<sup>1</sup> Совқотиб маъносида.